

КАЛИФОРНИЯ ҚАЛҚОНДОРИГА ҚАРШИ ОВИПРОН ПРЕПАРАТИНИНГ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

Пўлатов Отамурод Асламович, катта ўқитувчи,
Джулиев Фирдавс Рамазонович, магистр,
Самарқанд Агроинновациялар ва тадқиқотлар институти.

Аннотация. Мақолада Самарқанд Агроинновациялар ва тадқиқотлар институтининг тажриба майдонида ўстириб парваришланаётган олма меваги боғидаги олма дарахтида зарар келтираётган калифорния қалқондори ва уларга қарши кимёвий препаратни қўллаш бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Олма боғи, зараркунандалар, биоэкология, калифорния қалқондори, қарши кураш, препарат, самарадорлик.

Аннотация. В статье представлены сведения о применении химических препаратов против щитовок калифорнийских, вызывающих повреждение яблонь в яблоневом саду, выращиваемом и ухаживаемом на опытной территории Самаркандского института агроинноваций и исследований.

Ключевые слова: Яблоневый сад, вредитель, биоэкология, калифорнийские щитовки, борьба, подготовка, эффективность.

Annotation. The article presents information on the use of chemicals against Californian scale insects, which cause damage to apple trees in an apple orchard grown and cared for on the experimental territory of the Samarkand Institute of Agroinnovation and Research.

Key words: Apple orchard, pest, bioecology, California scale insects, control, preparation, effectiveness.

Кириш. Ўзбекистонда 1964 йилга қадар мева ва манзарали дарахтларнинг жиддий зараркунандаси бўлмиш калифорния қалқондори мутлақо учрамас эди. Бироқ, бу қалқондор 1964 йили Тошкентда илк бор топилган [1]. Калифорния қалқондори аниқлангандан сўнг, унга қарши кескин кураш чоралари қўлланилди ва карантин хизмати ходимлари бу ҳашаротларнинг бошқа вилоятларга ўтиб қолмаслигига ҳаракат қилишди. Бироқ қилинган барча тадбирлар, ҳаракатлар зоя кетиб қалқондор Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига ҳам тарқаб кетди. Ҳозирда ҳашарот барча вилоятларда тарқалмоқда. Калифорния қалқондори ўсимликларга зарар етказиш жиҳатдан олма қуртидан кейин иккинчи ўринда туради [3].

Калифорния қалқондори (*Diaspidiotus perniciosus* Comst)нинг катталиги 1,3 мм қалқони эса 2 мм гача, эркак зотларининг катталиги 0,8-0,9 мм бўлиб, қалқони 1 ммни ташкил этади, личинкаси сариқ; 1,2 ёшдаги личинка ҳолида қишлайди, 2 марта пўст ташлаб катта ёшга ўтади. Жуфтлашгандан 40-60 кундан кейин 80-100 тагача дайди личинка туғилади ва бир неча соатдан кейин улар қалқон остида чиқиб, дарахтлар танасига ёйилиб кетади ва орадан 10-11 кун ўтгандан сўнг пўст ташлаб, мўйловлари, кўзлари ва оёқлари йўқолади. Иккинчи пўст ташлагандан кейин катта ёшга ўтади. Эркаклари кам бўлади ва бир неча соат яшайди. Жуфтлашгандан сўнг нобуд бўлади.

Биринчи ёш личинкалари қалқон остида қишлаб чиқади. Ўзбекистон шароитида калифорния қалқондори мавсумда 4-5 та бўғин бериши кузатилган [2].

Калифорния қалқондори асосан кўчатлар ёрдамида тарқалади. Бу ҳашарот олма, нок, олхўри ва меваларга, буталарга ҳамда манзарали ўсимликларга зарар етказиши [4]. Бу зараркунанда кучли зарарлаганда дарахтлар пўстлоғи ёрилиб кетади, шохларини ва ҳатто бутун дарахтларни қурийтиб қўяди. Калифорния қалқондори меваги дарахтларнинг барги, шохи, новдаси, пўстлоғи ҳамда меваларни зарарлайди. Қалқондор зарарлаган меваларда қизил доғлар пайдо бўлади. Сабаби улар озиқланаётганда токсинлар чиқаради. Натижада

дарахтлар кам ҳосил беради, кучли зарарланганда қуриб қолиши мумкин [6].

Қалқондорларга қарши курашда зараркунандаларнинг иқтисодий хавфли сонидан келиб чиққан ҳолда кимёвий кураш чораларини ўтказиш лозим. Ҳашаротларга қарши кимёвий кураш чораларини ўтказишда зараркунанданинг яшаш тарзи, унинг тузилиши, биологияси, экологияси, ҳаётчанлиги, ташқи муҳитга мослашиши, бир мавсумда кўплаб авлод бериши кимёвий курашнинг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади. Айрим вақтларда меъда ичак орқали кириб зараркунандаларга таъсир кўрсатадиган препаратлар сўриб озиқланувчи зараркунандаларга таъсир кўрсатмайди, аксинча системали препаратлар сўриб озиқланувчи зараркунандаларга ҳам таъсир кўрсатади. Шу билан бирга қалқондорларга бу препаратлар, яъни контакт таъсир кўрсатади. Шу сабабли қалқондорга қарши айрим инсектицид тавсия этилган [5].

Тадқиқот материаллари ва услуби. Ўзбекистон республикасида Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар асосида Самарқанд Агроинновациялар ва тадқиқотлар институтининг тажриба майдонида ўстириб парваришланаётган олма меваги боғидаги олма дарахтида зарар келтираётган калифорния қалқондори қарши кимёвий препаратни қўллаш ва уларни биологик самарадорлигини аниқлаш бўйича кузатувлар олиб борилди [7,8].

Таҳлил ва натижалар. Олиб борилган тажрибаларда қалқондорга қарши нефт мойларидан олинган Овипрон препаратини таъсири ўрганилиб таҳлил қилинди. Ушбу препарат асосан ўсимликлар фаол вегетация жараёнига ўтмаган пайтда қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот натижаларига кўра назорат вариантыда табиий кушандалар ҳисобига зараркунанданинг миқдори камайди. Тажриба бошланишидан олдин битта новдада 9,3 дона қалқондорлар борлиги аниқланди. Тажрибанинг 3-куни қалқондорлар сони 9,1 дона, 7-куни эса битта новдада 8,9 дона қалқондор қолди. Сўнгги яъни 14-куни 8,7 дона

Калифорния қалқондорига қарши Овипрон препаратининг таъсири

Препаратларни номи	Сарф меъёри кг/га ёки л/га	Битта новдадаги қалқондорлар сони, дона	Ишлов берилгандан кейин қолган қалқон-дорлар сони, дона			Биологик самарадорлик (%)		
			3 кун	7 кун	14 кун	3 кун	7 кун	14 кун
Назарот	Ишлов берилмаган	9,3	9,1	8,9	8,7	-	-	-
Овипрон 2000 эм.к (800г/л)	10	9,2	4,8	3,1	2,2	48,2	66,3	76,1
Овипрон 2000 эм.к (800г/л)	12	10,1	3,9	3,1	1,6	61,3	69,3	84,2
Овипрон 2000 эм.к (800г/л)	15	9,7	4,9	1,1	0,2	49,4	88,7	97,9

қалқондор қолгани аниқланди.

Тажрибанинг Овипрон препаратини 15 л/га сарфланганда битта новдадаги қалқондорлар сони 9,7 дона эди, 3 кундан кейин 4,9 дона қалқондорлар қолди, биологик самарадорлик 49,4% бўлди, 7-куни 1,1 дона қалқондорлар қолди, биологик самарадорлик 88,7% бўлди, 14-куни 0,2 дона қалқондорлар

қолди, биологик самарадорлик 97,9 ни ташкил қилди (жадвал).

Хулоса. Тажиба натижасида олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, Овипрон препаратини 15 л/га миқдорида қўлланилганда, энг юқори биологик самарадорликка эришиш мумкин экан.

АДАБИЁТЛАР:

1. Балыкина Е.Б. и др. Против вредителей яблони. // Ж. Защита и карантин растений. Москва, – 2003. – № 11. – С. 31.
2. Арипов А.У., Арипов А.А. Уруғли интесив мева боғлари. – Тошкент. "Sharq" 2013. – Б 206-210.
3. Аҳмедов М., Зокиров И., Ўрмонова Д., Тошматова Ш. Шираларда (Homoptera, Aphidinea) "паразит-хўжайин" муносабатларининг шаклланиш хусусиятлари. // Биологик хилма-хилликни сақлаш муаммолари: Илмий конференция маърузалари тўплами. – Тошкент, – 2006. 10 май., - Б.33-35.
4. Витион П.Г., Кокцинеллиды в сливовых садах центральной зоны Республики Молдова. 7-я Международная научно-практическая конференция «Биологическая защита растений-основа стабилизации современных тенденций производства и применения биологических и экологических малоопасных средств защиты растений агроэкосистем» НИЗР Краснодар, 25-27 сентября 2012. – С.73-75.
5. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. (Ш.Т.Хўжаев таҳрири остида). –Тошкент, 2004. - 103 б.
6. Кимсанбаев Х.Х., Эргашев С.Ф., Сулаймонов Б.А., Ўлмасбоева Р.Ш. "Энтомология" Агрономия ва ўсимликларни химоя қилиш коллежлари учун ўқув қўлланма – Тошкент, 2007 – Б. 202-215.
7. Нурматов Ш., Мирзажонов Қ, Авлиёқулов А ва б. Дала тажибаларини ўтказиш услублари. – Тошкент: ЎзПТИ, 2007.- 147 б.
8. Abbot W.S. A method of computing the effectiveness of an insecticide. // J. Econ. Entomol. 1925. – N 3. – Vol. 18, – P. 265-267.

ШАФТОЛИ ЯШИЛ БИТИ ВА УНГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ ПРЕПАРАТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

Пўлатов Отамурод Асламович, катта ўқитувчи,

Содиқов Элёр Камолиддин ўғли, магистр,

Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти.

Аннотация. Мақолада Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги интенсив бодом боғида учрайдиган сўрувчи зараркундаларининг зарари ва уларга қарши кимёвий препаратларни қўллаш орқали самарадорлигини ўрганиш туғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: Интенсив бодом боғи, бодом, сўрувчи зараркундалар, шафтоли яшил шираси, оддий ўргимчаккана, биологик самарадорлик, зараркундалар, кимёвий препарат, биоэкология.

Аннотация. В статье представлены данные по изучению вредоносности сосущих вредителей, обнаруженных в интенсивном миндальном саду Джомбойского района Самаркандской области, и эффективности применения против них химических препаратов.

Ключевые слова: миндальная сад, миндаль, насекомые-вредители, зеленый тля персика, обыкновенный паутинный клещ, биологическая эффективность, вредители, химический препарат, биоэкология.

Annotation. The article presents data on the study of the harmfulness of sucking pests found in an intensive almond orchard in the Jomboy district of the Samarkand region, and the effectiveness of using chemicals against them.

Key words: almond orchard, almonds, insect pests, green peach aphid, common spider mite, biological effectiveness, pests, chemical preparation, bioecology.